

МАФКУРАВИЙ ТИЗИМ — мафкуравий ишларни бошқариш, жамиятнинг турли ижтимоий институтлари: оила, мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳалла кенгашлари, жамоат ташкилотлари, маданий-маърифий уюшмалар тарбиявий имкониятларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, уларни ягона мақсад томон йўналтириш омиллари (иш вақти ва ишдан кейинги бўш вақт) ва воситалари (фан, адабиёт, санъат, матбуот, радио, телевидение, кино, музей ва ҳоказо), услублари (тушунтириш, ишонтириш, мажбур қилиш) ва усулларининг (алоҳида, жамоавий, оммавий) яхлит бир бутун уюшмаси. Шунингдек, М.т. мафкуравий таъсир йўналишлари (ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий) ва унинг асосий соҳаларини (меҳант, жисмоний, эстетик, экологик, жинсий ва ҳоказо) ҳам ўзига қамраб олади. М.т. бир бутун яхлит уюшма бўлиб, доимо ўзгариб туради. Ушбу тизим самарадорлиги мафкуравий таъсир жараёнининг узлуксизлигига, табақалашганлигига, комплекс ёндашувга боғлиқ. Мафкуравий ишлар таъсирчанлиги, ҳозиржавоблигини оширишда аҳоли турли табақаларининг ўзига хос миллий-психологик, регионал, касб-кор, ёшлик хусусиятларини инобатга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.